

Сирдарё туманлараро иқтисодий суди
Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Сирдарё тумани

2023 йил 17 июль

Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.Кудратов раислигида, Қ.Махамажоновнинг котиблигида, Д манфаатида Ж га нисбатан берган даъво аризаси юзасидан иқтисодий ишни тарафлар иштирокисиз, Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг биносига, очиқ суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Д манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Ж дан 92.050.395,62 сўм (асосий қарз бўйича 78.563.637,80 сўм, асосий қарзга ҳисобланган фоиз бўйича 13.486.757,82 сўм) қарздорликни ундиришни сўраган.

Бугунги суд мажлиси муҳокамасида тегишли тарзда хабардор қилинган Палата вакили иштирок этмади бироқ, даъво аризасида унинг вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Суд мажлисининг манзили ва вақти тўғрисида тегишли тартибда ажрим орқали хабардор қилинган даъвогар ва жавобгар иштирок этмади, вакиллари суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127-129, 170-моддаларига мувофиқ мазкур иқтисодий ишни Палата, даъвогар ва жавобгар вакиллари иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд, ишдаги мавжуд ҳужжатларини ўрганиб ва уларга қонуний баҳо бериб, қуйидагиларга асосан даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамасидан аниқланишича, Д (лизинг берувчи) ҳамда Ж (лизинг олувчи) ўртасида 2021 йил 01 майдаги 14-сонли “Лизинг шартномаси” тузилган.

Мазкур шартноманинг 1.1-бандига кўра, “Лизинг берувчи” тасарруфида бўлган 1 (бир) дона “Тикув-трикотаж мажмуаси” (Лизинг объекти)ни мазкур шартноманинг 1-иловасида белгиланган тўлов эвазига ва шартларда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга фойдаланиш учун (тасарруф этиш ҳуқуқисиз) тақдим этиш мақсадида харид қилишга, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ эса ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИни мазкур лизинг шартномасининг 1.2-бандидан келиб чиққан ҳолда лизинг асосида қабул қилишга, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИдан шартноманинг 1.3-бандида белгиланган мақсадларда фойдаланишга мажбурийат олган.

Тарафлар ўртасида 2021 йил 30 ноябрда 01-сонли (2020 йил 10 ноябрдаги 10-сонли лизинг шартномасига) қўшимча келишув тузилган.



Мазкур қўшимча келишувининг 1.-бандига кўра, шартнома асосида “Лизинг берувчи”нинг қиймати 1.990.278.824,12 сўм (ҚҚСсиз) сўм деб белгилаб кўйилган.

Даъвогар шартномада белгиланган мажбуриятларини 2022 йил 01 сентябрдан 2023 йил 01 январгача бўлган даврда бажармаган оқибатида қарздорлик вужудга келган ва жавобгарга уни узилиш мақсадида талабнома юборилган. Даъвогар томонидан юборилган талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган. Натижада Палатаси даъвогар манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Даъвогарнинг даъво талаби асослидир. Чунки даъвогар томонидан жавобгарга лизинг шартномаси асосида мулк топширилганлиги, тўловлар тўланмаганлиги, ишдаги мавжуд ҳужжатлар ва суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси биринчи қисмига кўра, Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда кўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ушбу кодекснинг 333-моддасига кўра эса, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 597-моддаси биринчи қисмига кўра, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаши, мол-мулкдан уни етказиб бериш шартларига мувофиқ фойдаланиши, уни соз ҳолда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини бажариши, сақлаш бўйича бошқа харажатларни амалга ошириши шарт.

Суд, ушбу ҳуқуқ номаларига асосан жавобгардан 78.563.637,80 сўм асосий қарз ундиришни лозим топди.

2021 йил 01 майдаги 14-сонли лизинг шартноманинг 4.4-бандига асосан лизинг тўлови шартноманинг 1-иловасида келтирилган жадвалга мувофиқ асосий қарзга ҳисобланган фоизларни тўланиши инobatга олган ҳолда жавобгарга нисбатан 13.486.757,82 сўм фоиз ҳисобланиб, уни ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 597-моддаси учинчи қисмига кўра, лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини



базармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин.

Мазкур ҳуқуқ нормаларидан ва суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили кўрсатмасидан ҳамда жавобгар томонидан шартнома талабларини ўз вақтида базармаганлигини инобатга олиб, суд даъвогарнинг 13.486.757,82 сўм асосий қарга ҳисобланган фоизни ундиришни лозим деб топди.

Қайд этилганларга мувофиқ, суд, даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, даъвогар фойдасига жавобгар Ж дан 78.563.637,80 сўм асосий қарз, 13.486.757,82 сўм фоиз ундиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига мувофиқ суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилишини инобатга олиб, 1.841.007,91 сўм давлат божи тўловини жавобгар ҳисобидан Республика бюджетига ундиришни, олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажатини жавобгардан даъвогар фойдасига ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси биринчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236, 333, 597-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 116, 118, 127-129, 170, 176, 180, 186-моддалари қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Даъвогарнинг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар Ж ҳисобидан даъвогар Д фойдасига 78.563.637,80 сўм асосий қарз, 13.486.757,82 сўм фоиз ҳамда олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Жавобгар Ж ҳисобидан Республика бюджетига 1.841.007,91 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат муддат ичида шу суд орқали Сирдарё вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят (протест) келтириши, суднинг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация шикояти беришга ҳақли.

Судья

А.Кудратов

